

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТИЛЛОЕВА ШАХЛО ШАВКАТОВНА

**БРОНХИАЛ АСТМАДА ЎПКА ГИПЕРТЕНЗИЯСИНИ ЭРТА
ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.05 – Ички касалликлар

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Tib867 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳимова Дилорам Алимовна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шодиқулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Садикова Гулора Аббаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил «___» _____ куни соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот -ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Кейинги йилларда аҳоли орасида бронхиал астма (БА) касаллиги кенг тарқалган ҳамда катта ижтимоий-тиббий ва иқтисодий зарар етказувчи, оғир босқичларида эса ўлим ва ногиронлик даражаси юқори бўлган тиббий муаммолардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг тахминан «...300 млн.дан ортиғи бронхиал астма ва унинг асоратларидан азият чекмоқда...»¹. Юқорида келтирилган фикрларга асосан «...бронхиал астманинг ўпка гипертензияси (ЎГ) билан асоратланиши кейинги ўн йилда жаҳонда икки баробар ортган бўлса, ғарбий давлатларда уч баробар ортиб, касалланиш даражаси бўйича бронхиал астма 2025 йилгача 12-ўриндан, 5-ўринга қўтарилиши башорат қилинмоқда ва ҳар йили дунёда бронхиал астма касаллиги ва унинг асоратлари 80 мингдан ортиқ инсонларнинг ўлимига сабаб бўлмоқда...»². Бронхиал астмада ўпка гипертензиясини эрта ташхислаш, олдини олиш ва даволаш самарадорлигини ошириш бугунги кунда тиббиёт ходимлари олдида турган ва ҳал қилиниши зарур бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон миқёсида бронхиал астмада ўпка гипертензиясини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришда юқори самарадорликка эришишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бунда, бронхиал астмада вентилияцион-перфузион бузилишларнинг психоэмоционал омиллар бошқарилиши билан ўзаро патогенетик боғлиқ жиҳатларини ўпка гипертензиясида аниқлаш, бронхиал астма бўлган беморларда ўпка гипертензияси билан биргаликда артериал гипертензиясининг (АГ) ҳам ривожланиши ва бунда адаптация жараёнида беморлар ҳаёт сифати, эндотелий дисфункцияси механизмларининг ўзаро боғлиқлигини баҳолаш, ўпка гипертензиясининг эрта диагностикаси ва авжланиб кечишини прогнозлашнинг асосий мезонларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини сифат жиҳатдан ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш борасида, жумладан бронхиал астма касаллиги асоратларини эрта ташхислаш ва самарали даволаш даражасини янги поғонага қўтариш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар» режасида «Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»³ каби

¹GINA 2018. С. 7-10.

²Mazzolai L, Aboyans V, Ageno W, et al. Diagnosis and management of acute deep vein thrombosis: a joint consensus document from the European Society of Cardiology working groups of aorta and peripheral vascular diseases and pulmonary circulation and right ventricular function. Eur Heart J. 2017; 39: P.3-11

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590 сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

асоратларни камайтириш вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш аҳоли орасида бронхиал астма касаллиги ва унинг коморбид фонда кўшилиб келганида эрта ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора –тадбирлари тўғрисидаги», 2019 йил 13 февралдаги ПҚ–4191-сон «Ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг етакчи илмий марказларининг долзарб йўналишлари респиратор касалликлар авжланишини эрта ташхислаш ва даволашни оптималлашга қаратилган (Mazzolai L, Abovans V, Ageno W, et al. 2017). Шу билан бир қаторда маълумки, бронхиал астмада ўпка гипертензиясининг ривожланишида бронхиал астмада артериал гипертензиянинг коморбид ҳолатида келиши ва кўпгина омилларнинг таъсири асосий ўринни эгаллайди (Сидней С., Сорель М., Кесенберри С.П. ва бошқалар 2017, Опи Л.Х., Коммерфорд П.Дж., Герш Б.Дж., Пфедфер М.А. 2019) ўпка гипертензиясига олиб келувчи барча мавжуд омиллар кардиореспиратор тизимда кўшимча бошқа бузилишларни чиқариши билан бир қаторда, периферик томирларда ҳам ремоделланиш асоратларини келиб чиқишига сабабчи бўлиши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари олимларининг таъкидлашича А.Г.Чучалин, В.С.Задонченко, А.М.Щикота ва бошқалар томонидан бронхиал астмада ўпка гипертензияси бўлган беморларда периферик қон-томирлар ремоделланишида эндотелий дисфункцияси механизми тўлиқ аниқланмаган. БА да ўпка гипертензияси ривожланишида артериал гипертензиянинг коморбид ҳолатида келиши ва периферик қон айланиш тизими, ҳамда психоэмоционал омиллар қандай ролни ўйнайди ва комплекс даволашнинг таъсирида бу жараёнлар қай даражада қайта тикланиши, каби

муаммоларни янада ўрганиш талаб этилади. Бронхиал астма бўлган беморларда ўпка гипертензиясини эрта ташхислаш ва башоратлашнинг асосий мезонлари ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистонда кейинги ўн йилликда бронхиал астма ва унинг эрта асоратлари олдини олиш муаммоларига бағишланган илмий-тадқиқотлар (Убайдуллаев А.М., Аляви А.Л., Садиқова Г.А., Ливерко И.В., Рахимова Д.А) томонидан амалга оширилган ҳамда ушбу изланишларда нафас олиш тизими касалликлари ривожланиши, уларнинг гемодинамик бузилишлар билан боғлиқлиги, БА билан оғриган беморларда вентиляциян-перфузион бузилишларнинг олдини олиш, даволаш усуллари муқобиллаштириш каби муаммолар ечимига эришилган. Бронхиал астмада ўпка гипертензиясини ривожланишини эрта босқичларида аниқлаш, бронхиал астмада артериал гипертензиянинг коморбид ҳолатида келиши бу ҳолатни беморларнинг ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсири, унинг патогенетик аспекти охиригача ўрганилмаган, бу ўз навбатида мазкур муаммолар бўйича тадқиқотлар ўтказиш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий – тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 03.2018.PhD.007-сон “Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг патология олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасига янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш” (2017-2021) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бронхиал астмада ўпка гипертензиясини эрта ташхислаш ва даволашнинг янги самарали ёндошувларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бронхиал астмада вентиляциян-перфузион номутаносибликнинг клиник аҳамиятини ўпка гипертензияси шаклланишининг эрта маркерлари сифатида баҳолаш;

бронхиал астма ва артериал гипертензия коморбид ҳолатда келган беморларда ўпка гипертензияси шаклланишида бемор ҳаёт сифати ва периферик қон оқими ҳолатини бошқарувчи эндотелий ролини баҳолаш;

бронхиал астма артериал гипертензия билан биргаликда келганда, ўпка гипертензиясининг эрта белгиларидан: периферик томирлар ремоделланиши ва бемор психоэмоционал статуси орасидаги боғлиқликни баҳолаш;

бронхиал астма билан оғриган беморларда ўпка гипертензиясининг профилактикаси ва даволаш усуллари такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази аллергология ва пульмонология бўлимларида бронхиал астма билан даволанган 124 та бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг клиник, ташқи нафас фаолияти, юрак ўнг қоринча структур–функционал параметрлари, психоэмоционал

ҳолат кўрсаткичлари, ҳаёт сифатини объектив ва субъектив баҳолаш кўрсаткичлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида умумклиник, инструментал, функционал ва статистик каби тадқиқот ва таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор бронхиал астмада ўпка гипертензияси авжланишини эрта ташхислашда беморлар психоэмоционал ҳолати, жисмоний юкламаларга толерантлик ва қоннинг кислород билан сатурацияси пасайишининг чегаравий кўрсаткичлари асосланган;

тўқима гипоксияси шароитида ўзгаришга учраган эндотелий функцияси, ўрта поғона бронхиал астма ва артериал гипертензия бирга келган беморлар билан бронхиал астма оғир поғонасидаги беморларнинг кўрсаткичлари мослиги исботланган;

бронхиал астмада психоэмоционал ҳолат бузилишлари артериал гипертензия билан бирга келганда у ўпка гипертензияси авж олиши оғирлигини белгиловчи асосий детерминантлардан бири эканлиги исботланган;

ўпка гипертензияси бўлган беморларни даволашни оптималлаштиришга ёрдам берувчи комплекс терапия даво режаси эндотелийга боғлиқ вазодилатация ва ўпканинг вентиляция-перфузия ҳолатига аҳамиятли таъсири асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

бронхиал астма ва артериал гипертензия коморбид ҳолатида бўлган беморларда ўпка гипертензиясини эрта ташхислашни аниқловчи мезонлари ишлаб чиқилган;

бемор ҳансираши ва периферик қон оқими максимал систолик тезлиги ҳолатини эрта босқичларда ташхислаш, бронхиал астмада ўпка гипертензияси шаклланиши асоратларнинг олдини олишга имкон бериши исботланган;

бронхиал астма ўрта оғир ва оғир поғона персистирланган кечишда ўпка гипертензияси ривожланишининг эрта белгиларидан: периферик томирлар қаршилиги ва бемор психоэмоционал статуси чегаравий кўрсаткичларини аниқлаш муҳимлиги исботланган;

бронхиал астмаси бор беморларда ўпка гипертензиясининг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволашда янги ёндашуви усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндошувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, инструментал, функционал ва статистик текширув усулларида асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларни қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан

таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган маълумотлар бронхиал астмали беморларда ўпка гипертензияси ривожланиш механизми эрта аниқланганлиги, томирларнинг эрта ремоделланиши, эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг клиник-патогенетик жиҳатлари очиб берилганлиги, адекват даволашни танлаш учун зарур бўлган препаратларни стандарт давога қўшиш тавсия этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бронхиал астма билан касалланган беморларда ўпка гипертензиясини олди олинганлиги ва камайтирилганлиги, леталликни, даволаниш харажатларини камайтирилганлиги, бемор ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берувчи, тадқиқот натижалари асосида шаклланган амалий тавсияномалар тадбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бронхиал астмада ўпка гипертензиясини эрта ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Бронхиал астмада ўпка гипертензиясини эрта аниқлаш ва даволаш алгоритмлари» мавзусидаги услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 8н-д/258-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бронхиал астма касаллигида ўпка гипертензияси келиб чиқишини олдини олиш усулларини такомиллаштириш ва даволаш усулларини оптималлаштириш тизимини амалга ошириш имконини берган;

«Ўпка артериал гипертензияси ривожланишида периферик гемодинамика ва ўпка вентилицион фаолиятининг функционал ўзгаришларини баҳолаш алгоритми» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 ноябрдаги 8н-д/258-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома бронхиал астма билан оғриган беморларда ўпка гипертензияси ривожланишида периферик қон-томирлар ҳолати ва ўпканинг вентилицион-перфузион ҳолатини ўрганиш, касаллик асоратларини олдини олиш имконини берган;

бронхиал астма касаллигида ўпка гипертензияси келиб чиқишини олдини олиш усулларини такомиллаштириш ва даволаш усулларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалари Бухоро вилояти Шофиркон тумани тиббиёт бирлашмаси ва Бухоро шаҳар 1ва 3-сон оилавий поликлиникаси ҳамда Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Бухоро шаҳар 1-сон оилавий поликлиникаси клиник амалиётга татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 12 декабрдаги 8н-з/225-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга татбиқ этилиши бронхиал астмада учрайдиган ўпка гипертензиясини ташхислаш сифатини яхшилаш, эндотелий дисфункцияси, кардиореспиратор

бузилишларни олдини олиш ва касалликни даволаш муддатини қисқартириш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий анжуманларда, жумладан, 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартирмалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологияларининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий текшириш натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астманинг эпидемиологик тавсифи, патогенетик ва терапевтик жиҳатлари**» деб номланган биринчи боби тўрт қисмдан иборат бўлиб, унда бронхиал астмада ўпка гипертензиясини ривожланиши, патогенетик ва терапевтик йўналишларидаги муаммолари бўйича илмий маълумотларига бағишланган. Хусусан, ўпка гипертензияси ривожланишида, вентиляция-перфузия, эндотелиал тизим ўзгаришларининг клиник-патогенетик жиҳатлари кўриб чиқилган. Бронхиал астмали беморларда артериал гипертензия ҳам қўшилиб келганда эндотелий дисфункцияси ва респиратор тизими тузилиш-функционал ҳолатининг периферик томирлар ремоделланиши ривожланишидаги клиник аҳамияти ҳаёт сифатининг ҳолати ва даволашга замонавий ёндашиш таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астмада ўпка гипертензияси мавжуд беморларни тадқиқотга қўшиш мезонлари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида мақсадга эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини таъминловчи тадқиқот объектининг тавсифи, клиник-функционал текшириш усуллари ва услубий ёндашувлар баён қилинган.

ЎзР ССВ Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази аллергология ва пульмонология бўлимларида 2017-2019 йиллар оралиғида клиник изланишлар ўтказилди.

БА II дан IV гача поғонадаги ташхис билан 124 нафар беморлар назоратда бўлдилар, шундан асосий гуруҳларда БА II поғона 25 та (20,1%), БА III поғона 65 та (52,5%), БА IV поғона 34 та (27,5%) беморларда аниқланди. Беморлар касаллигининг давомийлиги 10-15 йилдан ортган касаллар ташкил этиб, беморлар жинси, ёши, оғирлик поғона бўйича гуруҳларга репрезентатив ҳолда ажратилди. Беморларнинг ижтимоий фаол ва меҳнатга лаёқатли ёшда эканликлари таҳлил этилди.

Беморларни БА II ва III поғоналари бўйича касаллик давомийлиги 10 йилгача бўлган беморлар 32% да аниқланиб, 10-15 йилдан ортиқ муддатда бўлганлар орасида БА III-IV поғонадаги беморларнинг салмоғи нисбатан юқори бўлиб, 68% ни ташкил қилди. Соғлом гуруҳ (СГ) кардиореспиратор патология белгиларисиз, мос антропометрия тавсифига эга 20 та соғлом волонтерлардан иборат бўлди.

Беморлар касаллик ташхиси ва оғирлик даражалари бўйича 2 та гуруҳга бўлинди (1-жадвал): биринчи гуруҳ 34 та БА II-III- IV поғонали ва артериал гипертензия (АГ) I-II бўлган бемордан: 1а гуруҳ 18 та БА II-III поғона ва 1б гуруҳ 16 та БА IV поғона бўлган беморлар ташкил топди.

Иккинчи гуруҳни 90 та БА бўлган бемордан: 2 а гуруҳ 72 та БА II-III поғона бўлган бемор ва 2 б гуруҳ 18 та БА IV поғона беморлар ташкил этди.

Ўтказилган даволаш усуллари бўйича барча беморлар қуйидагича тақсимланди:

назорат гуруҳи (НГ) БА II-III ва IV поғонада бўлган 30 та беморлар (14 бемор – 2 а ва 16 - 2б гуруҳча) базис терапия (БТ) GINA (2016 й.) бўйича базис терапия олган;

1-жадвал

Беморлар ташхиси ва оғирлик даражасига кўра гуруҳларга бўлиниши

БА+АГ 1 гуруҳ (n=34)		БА 2 гуруҳ (n=90)	
БА II-III поғонадаги беморлар	БА-IV поғонадаги беморлар	БА II-III поғонадаги беморлар	БА-IV поғонадаги беморлар
1а гуруҳча (n=18)	1б гуруҳча (n=16)	2а гуруҳча (n=72)	2б гуруҳча (n=18)

Амлодипин (Ап)+ бишофит электрофорези (БЭ) гуруҳи - БА II-III ва IV бўлган 28 та беморлар (13 та-2 а гуруҳча ва 15-2 б гуруҳча) амлодипин 5-10 мг/кун. («Pfizer», Германия) ва бишофит электрофорези (30 мл бишофит суюқлиги электрофорез усулида ўпка илдизи соҳасига Вермел усулида, 15 Ма ток кучи билан, 15 минут мобайнида ўтказилган) билан биргаликда;

Ап+БЭ гуруҳи - БА билан АГ бирга келган 34 та беморлар (16 та -1а гуруҳча ва 18 та-1б гуруҳча) БТ фониди дигидропиридин қатори кальций антогонисти - амлодипин ва БЭ комбинациясини қабул қилган;

БЭ гуруҳи БА II-III ва IV поғона бўлган 32 та беморлар (15та -2а гуруҳча ва 17 та-2б гуруҳча) БТ фониди БЭ қабул қилган.

10 кунлик базис терапия структураси қуйидаги кўринишда бўлди: β -агонистлар+флутиказон ингалятор - 89% бемор, антилейкотриенлар - 58% бемор, метилксантинлар - 56% бемор, β -агонистлар - 41% бемор, глюкокортикостероидлар - 41%, калций антагонисти (амлодипин) - 50%, бишофит электрофорезини- 72% беморлар қабул қилдилар. Шунингдек барча беморлар уқалаш, нафас гимнастикаси, психотерапия қабул қилдилар.

Барча беморларнинг умумий клиник текширувлари ўз ичига қуйидагиларни олди: 5 баллик тизимда клиник параметрларни баҳолаш; объектив физикал текширувлар, умумий қон, сийдик ва балғам таҳлиллари; 6 дақиқали қадамли синама (6 MWD); модификацияланган Сиетл саволномаси бўйича ҳаёт сифатини тестлаш орқали баҳолаш; ташқи нафас функцияси (ТНФ) спирография йўли билан, пневмотахографияда оқим - хажм ҳалқа кўрсаткичларини компютерли таҳлилда ўпка ҳаёт хажми (FVC), 1 сонияда жадал нафас чиқариш хажми (FEV₁) ва Тиффно индекси (FEV₁/FVC) «Спирометр ВТL-08 SPIRO» (Хитой) мосламасида баҳоланди. Дастлабки текширишларда бронхообструкциянинг қайтиш даражасини ўрганиш учун, β -агонистлар ёрдамида ингаляцияли бронходилатацияли фармакологик синама ўтказилди; периферик қон оқими текшируви «Sono Scare SSI-8000» (Хитой) ультратовуш аппарати ёрдамида - бажарилди, эндотелийга боғлиқ вазодилатация елка артерияси доплерографияси (ЭБВД) ёрдамида баҳоланди; қоннинг кислородга тўйинганлиги (SaO₂) «ОХУ» (Германия) аппарати ёрдамида пульсоксиметрия усули орқали баҳоланди; беморларнинг психоэмоционал статуси Спилбергер-Ханин шкаласи ёрдамида психологик тестлаш орқали аниқланди; доплерэхокардиография бўйича эхокардиография кўрсаткичларини баҳолаш, Америка эхокардиографистлар жамияти тавсияларига биноан «Vivid S60» (Швеция) ва «Sono Scare SSI-8000» (Хитой) ультратовуш аппаратида ўтказилди. Тадқиқотнинг етарлича хажми материалларни турли ёндашувдаги репрезентатив таҳлил қилиш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг статистик текшируви «Excel-2012» стандарт дастури ёрдамида замонавий IBM типдаги ҳисобловчи тизимларни қўллаш орқали ўтказилди. Ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача квадратик силжиш (σ), ўртача стандарт хатолик (m), нисбий катталиқ (фоизларда частота)ларни ҳисоблаган холда вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усуллари қўлланилди. Олинган кўрсаткичларнинг статистик аҳамияти (p) ўртача катталиқлар таққосланиб, Стьюдент критерийси (t) ёрдамида текширилди. Статистик аҳамиятли ўзгаришларга ҳақиқийлик даражаси $p < 0,05$ қабул қилинди. Белгиларни боғлиқлик таҳлили учун Пирсон (r) жуфт корреляциянинг коэффиценти қўлланилди. Сифат кўрсаткичларини статистик аҳамияти учун χ^2 критерийси (хи-квадрат) ва z-критерийси (Гланц)дан фойдаланиб ҳисобланди.

Текширувлар асосида организм ҳолатини баҳолашни соддалаштириш ва мукаммалаштириш учун индивидуал хавфнинг ташхис критерийси (ИХТК) ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Бронхиал астмада ўпка гипертензияси ривожланишининг патофизиологик механизмлари**» деб номланган учинчи бобида назоратимиздаги 1 гуруҳ - БА билан АГ ташхисланган ва 2 гуруҳ фақат БА турли поғонадаги ташхисли беморларда, клиник симптомлар дастлабки ҳолатидаги фарқни баҳоладик. Нисбий таҳлилларда, ЎГ бўлган 1а ва 2а гуруҳ беморларида, сурункали йўтал ёки балғам кўчиши, ҳансираш, нафас қисиш хуружлари кўрсаткичлари касалликнинг оғирлик даражасига мослиги аниқланди. Ҳансираш ва ташқи нафас фаолияти орасидаги тўғри йўналган боғлиқлик кузатувлар натижасида таҳлил қилинди. Тадқиқот натижасида БА II-III-IV беморлар, шунингдек БА билан АГ бирга келган беморларда ўпкадаги вентиляция-перфузия бузилишлар билан томирлардаги эндотелийга боғлиқ вазодилатация ҳолати ва касалликни кечиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар кўрсатилган. 1а гуруҳчада FEV_1 кўрсаткич $40,0 \pm 1,09\%$, 2а $45,23 \pm 0,75\%$, ($p < 0,005$), 1а гуруҳчада SaO_2 $80,1 \pm 0,85\%$ 2а гуруҳчада эса $89,54 \pm 0,71\%$ ($p < 0,05$) ташкил этиши, бронхиал астманинг артериал гипертензия билан бирга келганда, бронхларда обструкциянинг янада кучайган ҳолати аниқланди. Эхокардиографияда изоволюмик бўшашиш вақти (IVRT) ва эртанги диастолик тўлиш максимал тезлигининг пасайиш вақти (DT) кўрсаткичлари ишонарли ошганлиги кузатилди. Ўнг қоринча диастолада эрта ва кечки максимал тўлиш тезликлари нисбати (E/A) интеграл нисбат эса $1,15 \pm 0,01$ ни (СГ $1,60 \pm 0,02$ га солиштирилганда $p < 0,05$) ташкил этди. Яъни, ўпка вентиляция-перфузия ва юрак ўнг қоринча (ЎК) диастолада дисфункцияси (ДД) маълумотларига кўра, БА II-III поғонадаги беморларга нисбатан, БА II-III поғона билан АГ бирга келган беморларда вентиляция-перфузия ҳолатининг пастлиги кузатилди.

Гуруҳлараро таққосланганда, 1б ва 2б гуруҳ беморларида ўпканинг ҳажм ва тезлик параметрларининг мос равишда пасайишлари: FVC 2,9 ва 4,0%, FEV_1 3,4 ва 5,9%, SaO_2 3,7 ва 6,9% 1а ва 2а гуруҳдаги беморларникига нисбатан пастлиги аниқланди. Дастлабки текширишлар нисбий таҳлилидан, 1а ва 1б гуруҳларда, яъни БА билан артериал гипертензия биргаликда келганда кардиореспиратор бузилишлардан: FEV_1 40,0 ва 32,7 %, FEV_1/FVC 42,0 ва 39,3 %; FAF 28,02 ва 33,9% БА IV поғонадаги беморлар кўрсаткичларига мослиги таҳлил қилинди. Яъни, БА II-III поғонадаги артериал гипертензия биргаликда келган 1а гуруҳ беморларида вентиляция-перфузия ва кардиоваскуляр ремоделланиш, БА IV поғонадаги 2б гуруҳ беморлари кўрсаткичларига мос келиши аниқланди.

Вентиляция фаолияти бронх-ўпка тизимида бузилиш ҳисобига беморларда гипоксемия ва ўпка гипертензияси ортанлиги, юрак ўнг қоринча диастола дисфункцияси кучайиши касаллик салбий прогнозидан далолат беради.

Солиштирма таҳлилларда жисмоний юклама берилишга толерантлик даражаси касаллик нозологияси ва оғирлик даражаси ортиши билан 1б ва 2б гуруҳ беморларида нисбий таҳлилида мос равишда: 44,16 ва 50,23% керакли миқдорга нисбатан пасайганда ҳансирашнинг 82,3 ва 70,2% ($p < 0,03$) ортишлари кузатилди, 1а ва 2а гуруҳ беморларида эса ҳансираш 72,2 ва 68% ортганда,

жисмоний юкламага толерантлик 48,5 ва 56,8% гача ($p < 0,05$) пасайиши тахлил қилинди.

Демак, нисбий тахлилларда ўпка гипертензияси бўлган БА II-III поғона билан АГ бўлган 1а гуруҳда, БА III-IV поғонада 2а гуруҳ беморларида олти дақиқали кадамли синама (6-MWD) пасайиши, юрак ўнг қоринчаси ремоделланмаган ҳолатини англатади. Яъни, БА II-III ва IV поғона билан АГ бўлган 1а ва 1б гуруҳ беморларига нисбатан, БА 2а ва 2б гуруҳ беморларида 6-MWD юқори бўлиши аниқланиб, 1 гуруҳга нисбатан 2 гуруҳ касалларида юрак қон-томир тизими ремоделланишлари кейинги босқичларда ташхисланди. Текширувлар натижасида беморларда клиник ҳолат ва 6-MWD ёмонлашиши, вентиляция-перфузия пасайишига узвийлиги тахлил этилди.

Диссертациянинг «**Бронхиал астмада ўпка гипертензиясининг ривожланишига ҳаёт сифати ва эндотелий дисфункцияси жараёнларининг боғлиқлиги**» деб номланган тўртинчи бобида бронхиал астмада ўпка гипертензияси ривожлана борган сари, беморларнинг жисмоний ва психоэмоционал ҳолатига таъсир қилиши ёзилган бўлиб, у ҳаёт сифатини сезиларли даражада пасайишига сабаб бўлади. Бинобарин, тадқиқот мақсадига кўра кардиореспиратор тизимга алоқадор функционал кўрсаткичлар билан узвий боғланган параметрлар баҳоланди, БА II-III-IV поғонадаги ва БА билан АГ бирга келган беморларнинг ҳаёт сифати ҳолати ва функционал статус бузилишининг детерминантлари аниқланди. Беморлар ҳаёт сифатининг кўрсаткичлари модификацияланган Сиетл саволномаси билан баҳоланиб, жисмоний ҳолат (ЖХ), эмоционал ҳолат (ЭХ), касбга лаёқатлилиқ (КЛ) ва даволанишдан қониқиш (ДҚ) баллардаги кўрсаткичлар мос равишда: $3,18 \pm 0,18$; $2,96 \pm 0,11$; $3,31 \pm 0,24$ ва $2,67 \pm 0,17$ га пастлиги аниқланди (СГга нисбатан $p < 0,05$). Шу вақтнинг ўзиде БА билан АГ бирга келган беморларда кўрсаткичлар бирмунча аҳамиятли пасайиши: ЖХ $2,49 \pm 0,09$; ЭХ $2,38 \pm 0,16$; КЛ $2,28 \pm 0,20$ ва ДҚ $2,43 \pm 0,25$ балларда кўринди.

Умумий текширилган натижалар тахлилида, ўпка гипертензияси бўлган 1а ва 2 а гуруҳ беморларининг жисмоний ҳолати ва касбий лаёқати кўрсаткичлари мос равишда $2,7 \pm 0,20$ ва $3,35 \pm 0,22$ балл пасайиб, максимал ҳисобланган баллардан (5 ва 7 балл), яъни 2,3 ва 1,65 марта пастлиги ($p < 0,05$) кўринди. Эмоционал ҳолат ва даволанишдан қониқиш $2,71 \pm 0,16$ ва $3,4 \pm 0,30$ баллгача пасайиб, у максимал баллардан (5 ва 7 балл), яъни 2,29 ва 1,6 баллга паст бўлиши аниқланди.

Коорреляция тахлиллари шуни кўрсатмоқдаки, ўпка артериал босими (ЎАБ) ўртача ва ҳаёт сифати – даволанишдан қониқиш кўрсаткичлари ва юрак ЎҚ ремоделланиши орасида боғлиқлик кузатилди: ($R=0,52$), ЎҚ систола охириги ҳажми ($R=0,46$), бўлмачага тўлиш фракцияси БТФ ($R=0,33$) ва диастолик тўлиш максимал тезлигининг пасайиш вақти - ПВ ($R=0,41$).

Олинган маълумотларда, жисмоний ҳолат балларда баҳоланганда, касаллик бемор ҳаракатларини чегаралаши, ўпка гипертензиясининг ва юрак ўнг қоринча ремоделланишининг ортиши аниқланди. ЎАБ ортиши билан 1б ва 2 б

гурухчаларда 6 минутли қадамли синаманинг ($6 \text{ MWD } 60,6 \leq$) ва ҳаёт сифати кўрсаткичларининг пасайиши кузатилди.

Демак, юрак ўнг қоринча ремоделланиши ва диастолик дисфункциянинг ортиши, бемор ҳаракатларининг чегараланиши, касбга лаёқатлилиқнинг ва даволанишдан қониқишнинг сусайишига олиб келиши аниқланди. Ўпка гипертензияси ва юрак ўнг қоринча диастолик дисфункцияси бўлган 1б ва 2 б гуруҳдаги беморларда жисмоний юклама берилишига толерантлик даражасининг пасайиши кузатилди.

Касбга лаёқатлилиқнинг сусайиши, ўз касби юзасидан ҳаракатларида кўрқув ҳиссининг бўлиши текширувимиздаги юрак ўнг қисми адаптив ремоделланиши бўлган беморларнинг 86,3% да, дезадаптив ремоделланиш аниқланган беморларнинг 75,4% да аниқланди. Демак, ўнг қоринча адаптив ва дезадаптив ремоделланиши қайд этилганда, беморларда ҳаёт сифати ёмонлашиб, у бемор функционал статуси ва ўпка артериал босими ўртача ҳолатини қисман баҳоловчи маркер бўлиб ҳисобланади.


Изланишларимизда 1 ва 2 гуруҳ беморларида психоэмоционал ҳолатни реактив асабийлик (РА) ва шахсий асабийлик (ША) кўрсаткичини Спилбергер-Ханин шкаласи ёрдамида баҳолаганда асабийлик аффекти доминантаси кузатилди. Назоратимиздаги барча беморларда асаблар таранглиги шахснинг катъий белгиси сифатида аниқланди. Текширишларимизда 1а гуруҳ беморларида эмоционал дисстресс ҳолати, яъни эмоционал ҳолат максимал баҳолашнинг $2,69 \pm 0,17$ баллга (50,2%), реактив асабийлик $51,6 \pm 0,84$ баллга (40,1%), шахсий асабийлик $53,3 \pm 0,89$ баллга (37,6%) тўғри келиши қайд этилди. Яъни, эмоционал ҳолат кўрсаткичларининг пасайиши ва юрак ўнг қисми диастолик дисфункциясининг оғирлик даражаси орасида тўғри боғлиқлик борлиги қайд этилди. Демак, ўпка гипертензияси бўлган 1а гуруҳ беморларида шахс аутизацияси ва реактив асабийликка нисбатан юқори симпатотония ҳолати борлиги аниқланди. 1б гуруҳ беморлар таҳлил қилинганда, эмоционал дисстресс ҳолати, яъни эмоционал ҳолат максимал баҳолашнинг $2,25 \pm 0,16$ баллга, реактив асабийлик $52,7 \pm 0,46$ баллга, шахсий асабийлик $54,9 \pm 0,64$ баллга тўғри келиши қайд этилди. Бу ҳолат беморларда безовталиқ ва асаблар таранглиги юқорилигини кўрсатади. Яъни, бемор характерида: доимий ситуация таҳтид солаётгандек, кўрқув, тушкунлик каби белгиларнинг шаклланиши юқори баҳоланиши кузатилади. Яъни, юрак ўнг қоринча диастола дисфункцияси кучайишига психоэмоционал доменнинг ортиши баҳоланганда, тўғри пропорционал йўналишда эканлиги аниқланди. Мазкур йўналишда амалга оширилган тадқиқотлар натижасида: бронхиал астмада ўпка артериясида ўртача босимнинг 25 мм.см.уст.га ортган барча беморларда периферик томирларнинг ремоделланиши белгилари кузатилди ва у компрессион синама орқали елка артерияси доплерографиясида аниқланди. Эндотелийга боғлиқ вазодилиятацияга мос равишда 1а ва 1б гуруҳ беморларида реактив асабийликнинг ортиши, ҳаёт сифати кўрсаткичларининг эса пасайиши кузатилди. Фақат бронхиал астма

билан оғриган 2а ва 2 б гуруҳ беморларида қайд этилган ўзгаришлар кам даражадалиги қайд қилинди.

Гемодинамик бузилишларнинг жадаллашишида периферик томирларнинг, яъни эндотелийнинг функционал ҳолатини аниқлаш учун гиперреактивлик билан компрессияли синама елка артериясида ўтказилди. Ушбу синаманинг 5-сонияси ва 1-дақиқасида гемодинамика тезлиги максимал кўрсаткичларда қайд этилди.

Изланишларимизда 1а гуруҳ бронхиал астма II-III поғона ва артериал гипертензия бирга келган беморларда эндотелийга боғлиқ вазорегуляция параметрларининг салбий ўзгаришлари ва периферик гемодинамика V_{max} СГга нисбатан пасайди ($0,61 \pm 0,02$ м/с гача), вазоконстрикция авжланишига эса параллел равишда циркулятор қаршилик индекс кўрсаткичи (49,2 дан 51,8% гача) ортиши кузатилди. Компрессияли синамадан сўнг, гемодинамика максимал тезлиги елка артериясида соғлом гуруҳ кўрсаткичига нисбатан V_{max} 3 марта ортган бўлса, бронхиал астма турли поғона бўлган беморларда 2а ва 2б гуруҳларида мос равишда: 2,01 ва 3,10 мартага ($p < 0,05$) ортиши қайд этилди. Бронхиал астма IV поғона 2б гуруҳ билан бронхиал астма ва артериал гипертензия бўлган бўлган 1б гуруҳ беморларда периферик гемодинамика V_{max} пасайиб ($0,61 \pm 0,01$ м/с дан $0,55 \pm 0,02$ м/с), вазоконстрикция авжланишига параллел равишда циркулятор қаршилик индексининг (40,8 дан 60,2% гача) ортиши кузатилди.


Текширувдаги беморларда кардиоваскуляр асоратларнинг оғирлик даражасини баҳоловчи критерийлардан - периферик гемодинамика параметри – V_{max} ва FEV_1 даражалари беморларнинг клиник ҳолатларига мослиги таҳлил қилинди (1 ва 2-расмлар). Касаллик оғирлашиши билан организм дезадаптив ҳолатга ўтган даврда юрак ўнг қоринча диастолик дисфункцияси ва эндотелийга боғлиқ вазодилатация параметрларининг кучли номуносивлиги аниқланди.



1-расм. БА II-III поғоналарида респиратор ва эндотелий дисфункцияси параметрларининг, беморлар жисмоний ҳолатларига узвий силжишлари, (%)

Изоҳ: даволашдан олдин соғлом гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқ аниқлиги, ** - $p < 0,005$, * - $p < 0,05$.

Изланишларда ўпка гипертензияси бўлган бронхиал астма II-III поғона бўлган беморларда елка артериясидаги гемодинамиканинг максимал тезлиги параметрлари ўзгаришлари реактив гиперемия компрессияли синамасида 1.25 ± 0.07 м/с дан $1.21 \pm 0,05$ м/с гача пасайди, циркулятор қаршилик индекси эса 0.54 ± 0.01 ш.б. дан 0.62 ± 0.5 ш.б. гача ортиши қайд этилди. 2 б гуруҳ бронхиал астма IV поғона (оғир персистириланган кечиши) бўлган беморларда гемодинамиканинг максимал тезлиги параметрлари компрессияли синамадан сўнг соғлом гуруҳга нисбатан 38,6% га ортиб, циркулятор қаршилик индексининг эса 25,6% гача пасайганлиги аниқланди.



2-расм. БА IV поғонасида респиратор ва эндотелий дисфункцияси параметрларининг, беморлар жисмоний ҳолатларига узвий силжишлари, (%)

Изоҳ: даволашдан олдин соғлом гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан фарқ аниқлиги, ** - $p < 0,005$, * - $p < 0,05$.

Демак, миокардда кислород танқислиги вақтида, яъни адаптация механизмларининг етишмовчилиги бўлган беморларда, периферик гемодинамиканинг пасайиши диастола дисфункцияси ортиши даврида миокардда стресс ҳолатининг жадаллашиши фонида юзага келиши кузатилди. Таъкидлаш керакки, ўпка гипертензияси ташхисланган 26 гуруҳ бронхиал астма IV поғонадаги беморларда, 1а гуруҳ бронхиал астма III поғона билан артериал гипертензия бирга келган беморлар Vmax салбий силжишларига яқинлиги аниқланди. Яъни, фақат бронхиал астма бўлган беморлар билан таққослаганда, бронхиал астма билан артериал гипертензия бор коморбид ҳолатидаги беморларда кардиоваскуляр ремоделланишнинг эрта бошланиши адабиётлардаги талқинларда ҳам акс этган.

Диссертациянинг «**Бронхиал астмада ўпка гипертензияси профилактикаси ва даволаш тактикасини оптималлаштириш**» деб

номланган бешинчи бобида ўпка гипертензияси бўлган беморларнинг турли даволаш режалари динамикасидаги таъсир натижалари ёритилган.

Назоратимиздаги 1 ва 2 гуруҳ беморларига турли режадаги терапияни бериб таъсир самаралари баҳоланди, яъни, амлодипин ва бишофит электрофорези базис терапия билан биргаликда олган 1а ва 2а гуруҳчалар беморларида 10 кундан сўнг ҳансирашни ишончли камайиши 2 а гуруҳда 6,8 дан 4,6 % га, 1 а гуруҳда 7,2 % дан 6,0 % га аниқланиб, 1а ва 2а гуруҳчаларда мос равишда: FEV₁ 7,2 %га ва 9,6 % га, SaO₂ - 5,6 % га ва 8,9 % га, 6-MWD - 4,9 % га ва 10,02 % (p<0,03 - дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиқ). Базис терапия фонида фақат БЭ олган беморларда қайд этилган кўрсаткичлардан юқори ўзгаришлар кузатилмади, яъни 1а ва 2а гуруҳчаларда мос равишда: хансирашни ишончли камайиши 4,6 % ва 3,9 % га, FEV₁ 6,1 % ва 8,3% га, ижобий динамика: SaO₂ - 3,6 % ва 6,11 % га, 6-MWD - 2,8 % ва 3,7 %га ортишида кузатилди (p<0,05 - дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиқ). Базис терапия фонида An+БЭ олган беморлар 1б ва 2б гуруҳчаларида динамикада хансирашни камайиши мос равишда: 3,6 ва 5,6% га, FEV₁ 3,4 % ва 5,9 %га, SaO₂ - 3,9 ва 6,9 %га, жисмоний юкламага толерантликни ортиши 6-MWD - 4,0 % ва 6,1 %га (p<0,05 - дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ишончлилиқ) қайд этилди.

An+БЭ даволаш режаси фонида 10 кун қўлланганда, 2а ва 2б гуруҳчаларидаги беморларда, жисмоний юкламага толерантликни бирмунча аҳамиятли ортиши (6 дақиқали юриш синамада масофани ишончли ортишига) ҳамда, ҳаёт сифат кўрсаткичларининг яхшиланиши кузатилади. Нисбий таҳлиллардан кўринадикки 10 та муолажалар таъсирида 1а ва 1б гуруҳдаги ЖХ 4,9 ва 4,0 %, даволанишдан қониқиш 5,0 ва 3,2 % ортишларига мос келади (p<0,05). Даволаш натижасида 2а ва 2б гуруҳ беморларидаги ижобий силжишлар беморлар клиник ҳолати ДҚ 9,8 ва 7,2 % ортишларига мос келади (p<0,05). Бундай ўзгаришлар 1а ва 1б гуруҳчаларида нисбатан кам яхшиланган ва ўз навбатида, бу бронхиал астмага нисбатан БА билан АГ коморбид ҳолатида кардиореспиратор тизимнинг дезадаптация бузилишлари кучли намоён бўлишини кўрсатади. Тадқиқотлар таҳлили натижасида базис терапия фонидаги амлодипин ва бишофитни электрофорез усулида олган беморларни психологик тестларда баҳолаб, реактив асабийлик кўрсаткичлари пропорционал равишда ижобий силжишлари 1а ва 2а гуруҳчаларда мос равишда: 15,2 ва 10,1% га, қарши 1б ва 2б гуруҳчаларида 7,6 ва 10,2% (ишончлилиқ дастлабки кўрсаткичга нисбатан p<0,05); шахсий асабийлик эса 9,8 ва 13,4% нисбатан 6,9 ва 9,4% (p<0,05 дастлабки кўрсаткичга нисбатан) кузатилди. Базис терапия фонида фақат бишофит электрофорези қабул қилган гуруҳда психоемоционал тести кўрсаткичларини яхшиланиши, An+БЭ гуруҳларига нисбатан бирмунча паст бўлди.

Корреляцион таҳлил ХС, ТНФ кўрсаткичлари, гемодинамик индекслари ва юрак ЎҚ ДД ўртасида ўтказилганда: бронхиал ўтказувчанлик (FEV₁кўрсаткич) ортиши билан ЖХ, КЛ, ЭХ ва РА яхшиланиши: r=0,64; 0,45; 0,31 ва 0,30 кузатилди (p<0,03). ЎАБ ўртача даражасини камайиши ЖХ, КЛ,

ЭХ ва РА: $r=-0,74$; $-0,65$; $-0,58$ ва $-0,37$ кўрсаткичларини яхшиланишида ($p<0,01$) тасдиқланди. Е/А ортишига боғлиқлик ва ЖХ, КЛ, ЭХ ва РА: $r=-0,57$; $-0,49$; $-0,38$ ва $-0,34$ ўртасида аниқланди ($p<0,05$).

Шундай қилиб, текширишлар натижалари БТ асосида қўлланилган амлодипин ўпка гипертензияси бўлган беморларда, фақат БЭ берилган гуруҳга нисбатан юқори бўлди, бу ўз навбатида касалликнинг клиник белгиларини камайиши, бронхиал ўтказувчанликни яхшиланиши, жисмоний юкламага толерантликни, қонни кислород билан тўйинганлигини ортиши, беморлар ҳаёт сифати ва психоэмоционал ҳолатини яхшилашида аксланади.

Базис терапия билан биргаликда Ап+БЭ олган барча беморларда ЎҚ диастолик дисфункциясини камайишида ишончли кўрсаткичлар аниқланди: изоволюмик бўшашиш вақти мос равишда 4,8 ва 6,9; 13,6%, эрта диастолик тўлиш вақтида максимал тезлигининг узайиши 5,2; 8,2 ва 4,2; 6,9%, бўлмачалар тўлиш фракциясини 4,2; 7,8 ва 4,4; 6,8%, ЎАБўр. - 9,5; 15,9 га ва 8,2; 11,4 % ҳамда, Е/А нисбатини ортиши, мос равишда, 3,9; 8,5 ва 3,1; 6,4 %. Булардан ташқари эндотелийга боғлиқ вазодилатацияни ижобий томонга силжиши кузатилди, булар компрессион синамадан кейинги систолик тезлигини максимал ортиши ва томирларнинг циркулятор қаршилик индексини камайишида аксланди ($p<0,05$). Юқоридаги кўрсаткичларни яхшиланиши бронхообструкцияни камайиши, қонни кислород билан тўйинганлиги, эндотелий ҳолати яхшиланиши каби кўрсаткичлар билан ижобий корреляцияси аниқланди. Эндотелийга боғлиқ вазодилатацияни ижобий томонга силжиши эса, компрессиали синамадан кейинги систола максимал тезлигининг ортишида аниқланди - V_{max} ни 6,8 ва 4,7% 2а ва 1а гуруҳ; 5,6 ва 3,9% 2б ва 1б гуруҳчаларда ($p<0,05$). Томирларни циркулятор қаршилик индексининг камайиши - ICR 7,2; 6,9 ва 8,9; 7,8% да ($p<0,05$) кузатилди. Коорреляция таҳлиллари ўтказилганда, V_{max} нинг боғлиқлик даражаси FEV1 билан $r=0,87$, ўпка артерия ўртача босими билан $r=0,52$ ($p<0,005$), РА билан $r=0,34$ ($p<0,05$) ижобий корреляцияланган.

Демак, ўпка гипертензияси бўлган беморларда периферик қон айланишини эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг бошқарилишининг ижобий силжиши, комплекс терапия ҳамда амлодипин ва БЭ билан кузатилса, БТ фонида БЭ таъсирида ижобий респиратор самараси, унинг яллиғланишга қарши таъсири ва спазмолитик хусусиятига боғлиқ. Изланишларимизда базис терапия олган беморларда кардиореспиратор тизим таҳлилида ишончли ижобий ўзгариши аниқланмади ($p>0,05$). 10 кунлик комплекс даво фонида амлодипин ва БЭ, ҳамда БТ+БЭ қабул қилган гуруҳларда симпатоадренал тизим ва психоэмоционал ҳолатнинг нисбий таранглиги сақланади.

Ўпка гипертензияси аниқланган БА ва БА артериал гипертензия билан коморбид ҳолатдаги беморларни комплекс даволаш динамикасида, ўзаро узвий боғлиқ дисбаланс манифестацияси камайди, беморлар ҳаёт сифати ва касалликнинг прогнози яхшиланади.

ХУЛОСАЛАР

«Бронхиал астмада ўпка гипертензиясини эрта ташхислаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Бир сонияда жадал нафас чиқариш хажмининг - FEV₁ нормадан 50%га, қоннинг кислород билан сатурациясининг 90,2% ва жисмоний юкламаларга толерантликнинг 75% дан пасайиши барча беморларда ўпка артерия ўртача босими 25 мм.с.м.уст. ортанлиги белгилари сифатида аниқланиб, БА III-IV поғоналар, назоратсиз кечганда яққол намоён бўлди.

2. Бронхиал астма артериал гипертензия бирга коморбид ҳолатда бўлган деярли барча беморларда периферия гемодинамик тезлигининг (V_{max} 32% га) камайиб, беморлар ҳаёт сифатининг (16,7%) пасайиши ўпка гипертензиясининг эрта маркерлари ҳисобланади.

3. Бронхиал астма артериал гипертензия билан биргаликда келганда ўпка гипертензиясининг эрта мезонларидан: периферик томирлар ремоделланиши (ЦҚИ 28%) ва беморлар психоэмоционал статусининг (РА 40%) ортишлари мусбат корреляцияланганлиги ($r=4,3$, $p<0,05$) аниқланди. Уларнинг прогностик аҳамияти хавф индекси мезонларини ҳисобга олганда сезиларли ортади.

4. Ўпка гипертензияси аниқланган бронхиал астмали беморларга 10 кун давомида амлодипин бишофит электрофорези билан комбинацияда базис терапия асосида ўтказилганда, эндотелийга боғлиқ вазодилатациянинг 5,2%, FEV₁ 14,3% ва ҳаёт сифатининг 11,4% ($p<0,05$) ортишига олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ ИНСТИТУТ

ТИЛЛОЕВА ШАХЛО ШАВКАТОВНА

**ОПТИМИЗАЦИЯ МЕТОДОВ РАННЕЙ ДИАГНОСТИКИ И ЛЕЧЕНИЯ
ЛЕГОЧНОЙ ГИПЕРТЕНЗИИ ПРИ БРОНХИАЛЬНОЙ АСТМЕ**

14.00.05 - Внутренние болезни

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/Tib867

Диссертация выполнена в Бухарском медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tma.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рахимова Дилорам Алимовна
доктор медицинских наук

Официальные оппоненты:

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
доктор медицинских наук, доцент

Садыкова Гулора Аббаровна
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2020 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за №___). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, улица Фароби, дом 2. Тел./факс: (+99878)150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2020 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2020 года).

А.Г. Гадаев

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

А.Л. Аляви

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотации диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В последние годы бронхиальная астма (БА) была признана одной из наиболее распространенных медицинских проблем среди населения, с серьезными социально-медицинскими и экономическими последствиями, а также в тяжелых стадиях приводящий к инвалидности или летальному исходу. В настоящее время приблизительно «...более 300 миллионов населения мира страдают бронхиальной астмой протекающих с осложнениями...»¹. Согласно выше упомянутым утверждениям, «...осложнения бронхиальной астмы с легочной гипертензией (ЛГ) удвоились в мире за последнее десятилетие, в то время как в западных странах заболеваемость бронхиальной астмой выросла и намечается что в 2025 году заболеваемость поднимется с 12-го до 5-го места. Ежегодно более 80000 человек умирает от бронхиальной астмы и ее осложнений...»². Повышение эффективности ранней диагностики, профилактики и лечения ЛГ при бронхиальной астме является одной из актуальных проблем, стоящих сегодня перед медицинскими работниками.

В мире проводится ряд исследований, направленных на достижение высокой эффективности в улучшении ранней диагностики, лечения и профилактики ЛГ при бронхиальной астме. В то же время, определение патогенетически связанных аспектов вентиляционно-перфузионных нарушений с психоэмоциональными факторами регуляции, развитием артериальной гипертензии (АГ) при бронхиальной астме, оценкой качества жизни, эндотелиальной дисфункции и разработка основных критериев прогноза обострений ранней диагностики ЛГ являются важными задачами в изучении данной патологии.

Принимаются целенаправленные меры по улучшению качества медицинских услуг в стране, улучшению качества медицинских услуг населению, в том числе раннему выявлению и эффективному лечению осложнений бронхиальной астмы. В план «Комплексные меры по кардинальному улучшению системы здравоохранения» включены задачи «повышения эффективности и качества медицинской помощи в стране, а также на установление стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создания эффективных моделей патронажных служб и диспансеров, пропаганда здорового образа жизни и профилактика заболеваний...»³. Реализация этих задач позволит повысить уровень современной медицинской помощи при ранней диагностике и лечении бронхиальной астмы с присоединением коморбидного фона среди населения и снизить количество осложнений за счет совершенствования

¹ GINA 2018. С. 7-10.

² Mazzolai L, Aboyans V, Ageno W, et al. Diagnosis and management of acute deep vein thrombosis: a joint consensus document from the European Society of Cardiology working groups of aorta and peripheral vascular diseases and pulmonary circulation and right ventricular function. Eur Heart J. 2017; 39: P.3-11

³ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному улучшению системы здравоохранения» от 7 декабря 2018 года.

использования современных технологий в предоставлении качественных медицинских услуг.

Данная диссертационная работа в определенной степени соответствует задачам, обозначенным в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 7 февраля 2017 года, № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП- 4191 от 13 февраля 2019 года «О мерах по совершенствованию системы оказания специализированной фтизиатрической и пульмонологической помощи», № ПП-4063 «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержке здорового образа жизни и повышению уровня физической активности населения» от 18 декабря 2018 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии республики. Работа выполнена в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии Республики Узбекистан: VI. «Медицина и фармакология».

